O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONA PALATASI
INV.№

«...қандай буюк зотларнинг авлоди, қандай бетакрор мерос соҳиби эканимизни англаган ҳолда, ўзимизнинг эркин, мустақил ва фаровон келажагимизни қуриш, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт барпо этиш, мусулмон дунёси ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш — бизнинг эзгу мақсадимиздир».

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 14-avgust • Seshanba • 96 (27.741) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ХАЛҚАРО МИҚЁСДАГИ ЯНА БИР ЭЪТИРОФ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 13 август куни Оқсаройда Ислом конференцияси ташкилоти (ИКТ) Бош котиби Акмалуддин Эҳсон ўғлини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, уни нафақат нуфузли халқаро ташкилот раҳбари, балки ислом дунёсининг бирдамлигини мустаҳкамлаш ва уни тараққий эттиришга улкан ҳисса қўшиб келаётган етук сиёсатчи сифатида ҳам билишини таъкидлади.

— Сизнинг юртимизга ташрифингиз ва «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси» мавзуидаги халқаро конференцияда иштирок этишингиз ушбу анжуманнинг моҳиятини яққолроқ очиб, аҳамиятини янада оширади, — деди Президентимиз.

Мамлакатимиз Ислом конференцияси ташкилотига 1996 йилдан буён аъзо. Ушбу халқаро ташкилот Президент Ислом Каримовнинг афғон инқирозига барҳам бериш, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш борасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаб келмоқда. ИКТ Ўзбекистон раҳбарининг миллий-маънавий қадриятларни тиклаш, бой тарихий, илмий-маърифий ва маданий меросни ўрганишга қаратилган саъй-ҳаракатларини юксак баҳолайди ва мамлакатимизга Марказий Осиёдаги муҳим давлат сифатида қарайди.

Мамлакатимиз билан ИКТ тузилмаси ҳисобланган Ислом тараққиёт банки ўртасидаги ҳамкорлик ҳам жадал ривожланмоқда. Айни пайтда жами 115 миллион АҚШ долларига тенг 9 лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу лойиҳалар тиббиёт ва таълим муассасаларини жиҳозлашга, қатор корхоналарни модернизация қилишга, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган. ИТБ делегациясининг жорий йил июль ойида Ўзбекистонга ташрифи асносида «Ипотека-банк», «Ўзсаноаткурилишбанк» ва «Асакабанк»ка жами 15 миллион долларлик кредит линиялари очиш тўғрисида битимлар имзоланди. Бу кредит саноат ва қишлоқ хўжалигида иш юритувчи хусусий тадбиркорлик субъектларини молиялаштиришга қаратилган сармоявий лойиҳаларга йўналтирилади.

Ислом конференцияси ташкилоти таркибидаги яна бир тузилма — Таълим, фан ва маданият масалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) Тошкентни 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилди. Бу аждодларимизнинг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг, Ўзбекистоннинг миллий-маданий ёдгорликларни, муборак қадамжоларни тиклаш ва ободонлаштириш, буюк алломалар қолдирган меросни асраб-авайлаш ва тарғиб этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларининг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофидир. Юртимизда қад ростлаб турган улуғвор масжид ва мадрасалар, бобокалонларимиз ҳоки қўним топган мажмуалар, ноёб тарихий қўлёзмалар ҳар қандай кишини ҳайратга солади, диний бағрикенглик ва халқимизга хос меҳмондўстлик эса чуқур осойиш ва мамнуният ҳиссини уйғотади.

Акмалуддин Эҳсон ўғли ISESCO Тошкентни ислом маданияти пойтахти деб эълон қилар экан, Ўзбекистон раҳбарининг миллий мерос ва маданий қадриятлар ҳамда ислом цивилизацияси ёдгорликларини асраб-авайлашга қаратилган оқилона сиёсатини, Моваройнаҳрда етишиб чиққан алломаларнинг беқиёс хизматларини, Марказий Осиёнинг энг йирик ва энг қадим шаҳарларидан бўлмиш Тошкентнинг жаҳон тарихида тутган ўрнини ҳисобга олганини таъкидлади. Меҳмон ИКТ Ўзбекистон раҳбарининг маънавий ва миллий қадриятларни тиклаш, бой тарихий, илмий-маърифий ва маданий меросни ўрганишга қаратилган саъй-ҳаракатларини юксак баҳолашини, Тошкентда ўтаётган анжуман жаҳон ҳамжамиятига ўзбек халқининг бой мероси билан яқиндан танишиш имконини беришини қайд этди. Саминий қабул учун Президентимизга миннатдорлик бирдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Ислом конференцияси ташкилоти ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

(ЎзА)

«ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Азиз меҳмонлар!

Ҳурматли конференция қатнашчилари!

Авваламбор, барчангизни муқаддас Ўзбекистон заминида, «Ислом маданияти пойтахти» деб ном олган азим Тошкент шаҳрида чин қалбимдан самимий муборакбод этишдан бахтиёрман.

Бугунги конференция муносабати билан «Шарқ дарвозаси» деб ном олган пойтахтимизда сиз, муҳтарам мусулмон дунёсининг таниқли намояндалари — атоқли уламолар, диншунос олим ва мутахассислар, машҳур давлат, дин ва жамоат арбобларининг тўплангани нафақат Ўзбекистон халқи, балки бутун минтақамизда яшаётган кенг омманинг маънавий ҳаётида катта тарихий воқеа, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Сизларга яхши маълумки, ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди асрлар давомида Буюк ипак йўли орқали Шарқ ва Ғарбни бир-бири билан боғлайдиган кўприк бўлиб хизмат қилган. Қадимий диёримиз шу асосда турли цивилизация ва маданиятлар ўзаро туташган муҳим чорраҳа, умуминсоний тараққиётга беқиёс ҳисса қўшган ўлка сифатида танилиб келмоқда.

VII-VIII асрлардан бошлаб эса она юртимиз бутун мусулмон олами ривожида, муқаддас ислом илоҳиёти ва фалсафаси асосларининг шаклланишида ўчмас из қолдирганини кўп-кўп мисолларда яққол кўриш мумкин.

Кўҳна Моваройнаҳр заминида туғилиб камолга етган, ўзининг илмий жасорати, буюк кашфиётлари билан ислом дунёсида улкан шуҳрат қозонган Имом Бухорий ва Имом Термизий, Имом Мотуридий ва Маҳмуд Замаҳшарий, Бурҳониддин Марғиноний ва Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий каби азиз-авлиёларимиз, Муҳаммад Хоразмий ва Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва Алишер Навоий сингари аллома ва мутафаккирларимизнинг ҳаёти ва фаолияти ислом маданияти ва цивилизацияси билан шу қадар чамбарчас боғланиб кетганки, биз динимизни бу улуғ зотларсиз, бу улуғ зотларнинг номларини эса ислом динисиз асло тасаввур қилолмаймиз.

Ана шу буюк аждодларимизнинг кенг қомусий билим, ғоя ва фикрларини ўзида мужассам этган, бугунги кунда ҳам илмий ва инсоний қадр-қимматини йўқотмаган бой ва бебаҳо мероснинг ҳозирги ўта мураккаб ва таҳликали замон олдимизга қўяётган кўпгина ўткир, оғир масала ва муаммоларнинг ечимини топиш, динимизнинг асл маъно-моҳиятини холисона талқин ва тарғиб қилиш, катта умид билан ҳаётга кириб келаётган ёш авлодга тўғри йўл кўрсатишдаги ўрни ва аҳамияти беқиёс, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Биз муқаддас динимиз ва ислом цивилизациясини жаҳон цивилизацияси, кишилик тараққиёти ва маданиятининг узвий бир қисми, одамларни руҳий-маънавий поклаш, уларнинг онгу шуурида шукроналик, тинч ва осуда ҳаёт кечириш, миллатлараро ва динлараро бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик каби боқий қадриятларни мустаҳкамлашнинг асосий омили ва мезони сифатида юксак қадрлаймиз.

Ана шундай пойдеворга таяниб, энг муҳими, қандай буюк зотларнинг авлоди, қандай бетакрор мерос соҳиби эканимизни англаган ҳолда, ўзимизнинг эркин, мустақил ва фаровон келажагимизни қуриш, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт барпо этиш, мусулмон дунёси ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш — бизнинг эзгу мақсадимиздир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, миллий давлатчилигимиз ва миллий қадриятларимизни мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг тараққиёт дастури, узоқ ва давомли мақсадларини белгилашда биз халқимизнинг моддий ва маънавий оламини юксалтириш, айниқса, ёш авлодимизни отабоболаримиз қолдирган ўлмас меросни чуқур ўрганиш, қадрлаш билан бирга, умумбашарий қадриятлар, замонавий илм-фан чўққиларини эгаллаш руҳида тарбиялаш масаласини ўзимиз учун устувор вазифа қилиб қўйганмиз. Чунки эртага бизнинг ўрнимизни босадиган ўғлиқизларимиз айнан ана шундай озиқланган заминда вояга етган тақдирдагина комил инсонлар бўлиб, ҳақиқий таянчимиз ва суянчимизга, енгилмас маънавий кучга айланади, жаҳон майдонларида ҳар қандай беллашув ва синовларга тайёр тура оладди.

Ана шундай орзу-интилиш билан биз мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб азалий урф-одат ва анъаналаримизни кўз қорачиғидек сақлаш, буюк аждодларимизнинг хотирасини улуғлаш, уларнинг муборак зиёратгоҳ ва қадамжоларини ободқилиш бўйича, айтиш мумкинки, жаҳон ҳамжамиятини ҳайратда қолдирадиган ютуқ ва натижаларни қўлга киритмоқдамиз.

Шу йўлда қилган ва амалга ошираётган улкан ишларимиз аввало ўзлигимизни, тарихий илдизларимизни англаш, дину диёнатимизни асраб-авайлашга қаратилган бўлиб, биз шу асосда ислом динининг ҳаққонийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглиги, одамзотни доимо яхшилик ва эзгуликка чорлаши билан боғлиқ тушунчаларни, бир сўз билан айтганда, унинг маърифий моҳиятини нафақат юртимиз, балки бутун дунё жамоатчилигига етказишни ўз бурчимиз деб ҳисоблаймиз.

Шу борада Имом Бухорий ва Имом Термизий, Шоҳи Зинда, Регистон ва Бибихоним, Имом Мотуридий ва Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Фарғоний ва Бурҳониддин Марғиноний, Хожа Аҳрор Валий, Ҳазрати Имом ва бошқа буюк сиймоларнинг номлари билан машҳур бўлган кўплаб тарихий мажмуаларни ҳар томонлама обод этиш бўйича қилган ишларимиздан аввало ўзимиз руҳий мадад, маънавий куч-қувват олмоқдамиз.

Халқимизнинг қалб амри билан амалга оширилаётган бундай савобли ишларимиз, ҳеч шубҳасиз, ўзининг ижобий давомини топади, иншоолло.

Ўйлайманки, сиз, муҳтарам меҳмонлар конференция давомида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида қайтадан тикланган ва таъмирланган ноёб тарихий обидалар, янгитдан барпо этилган масжиду мадрасаларда, юртдошларимиз билан самимий суҳбат ва мулоқотларда бўлиб, эл-юртимизнинг бугунги кунда ҳам ислом маданияти ривожига қандай катта ҳисса қўшаётганига гувоҳ бўласиз.

Шу маънода, мазкур анжуман сизлар учун кўҳна ва гўзал диёримиздаги ўзгаришларни ўз кўзингиз билан кўриш, мамлакатимиз ва меҳмондўст халқимиз ҳаёти билан яқиндан танишишга қулай имконият яратади, деб ишонаман.

Сизларни ушбу конференциянинг очилиши билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, анжуман ишига эса муваффақият тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши муносабати билан шу йил 14-15 август кунлари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида бўлиб ўтадиган «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси» мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференцияда иштирок этиш учун мамлакатимизга кўплаб давлатлардан нуфузли делегациялар ташриф буюрмоқда.

Уларнинг айримлари ўзларининг илк таассуротлари ҳақида ЎзА мухбирлари билан ўртоқлашди.

2-бет

Ислом маданияти дурдоналари



Kukaldosh majmui



Zangiota majmui



Hazrati Imom (Hastimom) majmui

ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қувайт халқаро хайрия жамғармаси ва Осиё мусулмонлари қўмитаси ижрочи директори Абдураҳмон АВОЗИЙ:

— Ўзбекистонга илк бор келган бўлсам-да, мамлакатингиз тарихи ва маданиятига оид кўплаб китобларни ўқиганман. Юртингизда дин, маданият, илм-фан ва таълим каби кўплаб соҳалар истиқлол йилларида изчил равнақ топаётганидан хабарим бор. ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши биз, қувайтликларни ҳам жуда қувонтирди. Тошкент бундай шарафга жуда муносибдир. Ислом дини тинчлик, эзгулик, саломатлик, ўзаро меҳр-оқибат динидир. Шу боис мамлакатингизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида диний бағрикенгликни таъминлашга катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Ўзбекистон билан Қувайт ўртасидаги алоқалар изчил ривожланмоқда. Қувайтда Ўзбекистон маданияти ва тарихига қизиқиш жуда катта. Қувайтликлар ўзбек заминида туғилиб ўсган Имом Бухорий, Имом Термизий, Бурҳониддин Марғиноний каби буюк алломаларнинг ҳаёти ва ижодини, асарларини катта қизиқиш билан ўрганадилар.

Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссасидан яна бир далолатдир.

Қувайтнинг «Ал-Аламия» газетаси бош муҳаррири Салоҳ Фадр Сажид СУЛТОН:

— Ўзбекистонга жорий йилнинг июнь ойидаги ташрифим чоғида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарлардаги кўплаб меъморий обидаларни зиёрат қилиш бахтига муяссар бўлган эдим. Юртингизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида аждодларингизнинг бой меросини ўрганиш, тарғиб қилиш, маданий ёдгорликларни таъмирлаш ва асраб-авайлаш, таълим, фан ва маданият каби соҳаларни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самараларини бераётгани таҳсинга лойиқ.

Ўзбекистондан айниқса, таълим соҳасида ўрнак олса арзигулик жиҳатлар жуда кўп. Юртингизга аввалги ташрифим чоғида Ҳазрати Усмондан ёдгор — Қуръони каримнинг ноёб қўлёзма нусхаси — «Усмон Мусҳафи»ни зиёрат қилиш шарафига муяссар бўлган эдим. Шуни таъкидламоқчиманки, «Ал-Аламия» газетасида Ўзбекистон ҳақида кўплаб мақолалар чоп этганман ва бундан кейин ҳам ушбу гўзал диёрдан олган таассуротларимни араб аҳлига матбуот орқали етказишни ўз бурчим, деб биламан.

Гўзал Тошкент, Ўзбекистон азалдан ислом маданиятининг энг йирик марказларидан бири бўлиб келган ва доим шундай бўлиб қолишига қатъий ишонаман.

Бирлашган Араб Амирликлари аппеляция суди судьяси Ҳасан Абдулғаффор ал-ҲОМИДИЙ:

— ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши мустақил Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрўси муттасил юксалиб бораётганидан яна бир далолатдир. Пойтахтингизнинг, бутун Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси беқиёсдир. Бу муқаддас заминда ислом маданияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган кўплаб буюк сиймолар етишиб чиққан. Имом Бухорий, Имом Термизий, Бурҳониддин Марғиноний, Абу Райҳон Беруний каби улуғ мутафаккирлар қолдирган бебаҳо мерос асрлар оша инсоният тафаккурининг ривожига хизмат қилиб келмоқда.

Ўзбекистон қадимий ёдгорликлар, муқаддас зиёратгоҳлар ва тарихий обидаларга бойлиги билан ҳам дунёга машҳур. Юртингизга ташрифим асносида бутун ислом оламининг фахри ҳисобланган ана шундай муқаддас зиёратгоҳлар ва гўзал гўшаларни бориб кўришни ният қилганман.

Тошкент конференцияси бизга турли мамлакатлардан келган йирик олиму уламолар ҳамда соҳа мутахассислари иштирокида ўтадиган баҳс-мунозаралардан баҳраманд бўлиш имконини беради. Дунё давлатларининг нуфузли вакиллари ўртасида шундай фойдали мулоқотлар учун имконият яратилганининг ўзи ҳам мамлакатингизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида эътиқод эркинлигини таъминлаш, маърифатли ислом ғояларини ёйиш, диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг яна бир ёрқин намунасидир.

Тунисдаги Зайтуна университети ректори Салим БУВАҲИЙ:



— Ўзбек заминидан етишиб чиққан уламолар ислом маданиятининг ривожига улкан ҳисса қўшганини бутун ислом олами эътироф этади. Имом Бухорий, Абу Лайс Самарқандий, Имом Термизий каби кўплаб буюк мутафаккирларнинг бой меросидан бутун дунё аҳли асрлар оша баҳраманд бўлиб келмоқда. Бугунги кунда юртингизда ана шундай моддий ва маънавий меросни замон талаблари асосида чуқур ўрганиш ва ундан халқингизни баҳраманд қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлардан ўрнак олса арзийди.

ISESCO томонидан Тошкентга 2007 йилда ислом маданияти пойтахти мақомининг берилиши Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги нуфузини янада оширди.

Тунисда Ўзбекистон билан илм-фан, маданият ва таълим соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтиришга интилиш кучли. Зеро, Ўзбекистондек юксак салоҳиятли мамлакат билан ҳамкорлик Тунис аҳли учун катта шарафдир.

Покистон — Ўзбекистон маданий алоқалар жамияти президенти Акбар Аҳмад ЎЗГЕН:



— Юртингизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида тарихий-меъморий обидалар, зиёратгоҳларнинг қайта чирой очиб, миллий урф-одат ва қадриятларнинг тикланаётганлиги жаҳон ҳамжамиятининг Ўзбекистонга бўлган қизиқишини янада оширмоқда. ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши юртингизда диний қадриятларни тиклаш ва эътиқод эркинлигини амалда таъминлаш борасида амалга оширилаётган буюк ишларга берилган яна бир юксак баҳодир. Таъкидлаш жоизки, аждодларингиз қолдирган маънавий ва маданий мерос бутун дунёда қадрланади.

Юртингизда истиқлол йилларида барча соҳаларда амалга оширилган кенг қамровли ислоҳотлар бераётган самаралар Ўзбекистоннинг янада равнақ топиб, халқингиз фаровонлигининг юксалишига хизмат қилмоқда. Мамлакатингизга ҳар галги ташрифим чоғида юртингиз таниб бўлмас даражада ўзгариб, янада гўзаллашганининг гувоҳи бўламан. Ўзбекистонда амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари — миллий ва замонавий услубни ўзида мужассам этган кўркам иншоотлар, равон йўллар, гўзал ва бетакрор боғ-роғлар ҳар қандай хорижлик сайёҳни ўзига мафтун этади. Тинч, осойишта ва файзли кўчаларингизда юрган кишининг кўзи қувонади.

Покистоннинг Исломобод араб тилидаги қўлёзмалар маркази директори Аҳмад ХОН:



— Истиқлол йилларида мамлакатингиз раҳбари томонидан аждодларингиз қолдирган илмий-маънавий, ноёб ва бой меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш ҳамда келгуси авлодларга етказиш борасида амалга оширилаётган ишларга ҳавас қилса арзийди.

Тошкент конференциясида Имом Бухорий ижоди ва фаолияти, у қолдирган бой меросни Покистонда ўрганиш ва тарғиб қилишга оид мавзудаги маъруза билан иштирок этиш ниятидаман.

Буюк Британиянинг Лондон университети қошидаги Шарқ ва Африка тадқиқотлар мактаби профессори Ширин АКИНЕР:

— Аввало, Тошкентда ўтадиган «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси» илмий-амалий конференцияси халқаро миқёсдаги муҳим воқеа эканлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Ўзбекистон доимо ислом маданиятининг ривожига улкан ҳисса қўшиб келган заминдир. Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти сифатида дунёга танилишида, унинг нафақат тарихи ва буюк аждодлардан қолган маданий ва маънавий мероси, балки истиқлол йилларида бу борада эришган ютуқлари ҳам муҳим ўрин тутади. Ўзбекистоннинг тарихан қисқа давр мобайнида эришган улкан ютуқлари эса таҳсинга лойиқдир. Зеро, юртингизда қадимий ва муқаддас тарихий ёдгорликларни асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказишга бўлган эътибор жуда кучли. Ўзбекистон — ислом дини, маданияти ва тафаккури чуқур ўрганиладиган бағрикенг мамлакатдир. Тошкент конференциясида дунёнинг кўплаб мамлакатларидан таниқли олимлар, давлат, жамоат ва дин арбоблари, халқаро ташкилот раҳбарларининг иштирок этиши, ўзаро фикр ва тажриба алмашиши ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Халқингизнинг меҳмондўстлигини, хушмуомалалигини ва урф-одатларини жуда қадрлайман. Мамлакатингизнинг бетакрор гўзаллиги мени доим ҳайратга солади. Ўзбекистонда ўзимни доимо хотиржам ва бахтиёр ҳис этаман.

Мамлакатингизга ҳар сафар ташриф буюрганимда барча соҳаларда юз бераётган улкан ўзгаришларни кўриб қувонаман. Шундай нуфузли анжуманда иштирок этиш имкони берилгани мен учун катта шарафдир.

Миср тарихий обидаларни муҳофаза қилиш маркази мутахассиси Кавсар хоним Абул ФУТУҲ:

— Президент Ислом Каримовнинг жорий йилда Қоҳирага ташрифи чоғида эришилган келишувлар бугун амалда ўз ижросини топмоқда. Тошкент билан Қоҳира ўртасида тўғридан-тўғри ҳаво йўли очилгани бунинг далилидир.

Ўзбекистондаги ислом динини тадқиқ этувчи илмий марказлар, қадимий ёдгорликлар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ҳамда масжидлар мамлакатда ислом маданиятининг янада равнақ топишига хизмат қилаётганига гувоҳ бўлдик.

Мамлакатингизга ҳар сафар ташриф буюрганимда кўплаб ўзгаришларнинг шоҳиди бўламан. Халқингизга хос меҳмондўстлик, бағрикенглик, шаҳар-қишлоқларингиздаги ҳавас қилса арзигулик тинч-осойишта ҳаёт ҳеч бир кишини бефарқ қолдирмайди. Кўнглимдан жой олган яна бир нарса — бу Ўзбекистоннинг бозорлари. Улар ўзининг тартиблилиги, озодалиги ва тўкинлиги билан ажралиб туради.

Имон-эътиқод юксак қадрланган юртда ана шундай қут-барака бўлади.

Миср Араб Республикасининг «Ал-Маланда» газетаси бош муҳаррири ўринбосари Муҳаммад САЛОМА:

— Ўзбекистонга илгари ҳам кўп келганман. Мамлакатингиз мустақилликни қўлга киритгач, Президент Ислом Каримов раҳнамолигида диний бағрикенгликни қарор топтириш ва мустаҳкамлаш, ислом маданиятини ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Тошкентда иш бошлаётган халқаро илмий-амалий конференция ана шундай хайрли ишлар самараларидандир.

«Ал-Маланда» газетасида Ўзбекистоннинг тарихи ва бугунги куни ҳақида мақолалар мунтазам чоп этилади. Бундан кўзланган мақсад мисрликларни Ўзбекистондек гўзал диёр билан яқиндан таништиришдир.

Ҳиндистон Алигарҳ мусулмон университети ректори Абдул АЗИС:



— Ўзбекистон халқининг ғоят хушмуомалалиги ва меҳмондўстлиги мени жуда ҳайратга солди. Бу — Тошкентга ислом маданияти пойтахти мақомининг ҳақли равишда берилганига яна бир далилдир.

Таъкидлаш жоизки, юртингизга ва ундаги тинчлик, осойишталик ва фаровонликка ҳавас қилса арзийди. Буни Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатингизда демократияни мустаҳкамлаш, ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, халқ фаровонлигини ошириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг самараларидан, деб биламан.

Ушбу сафарим асносида «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси» мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференцияда иштирок этиш билан бирга, Тошкент ислом университети билан Алигарҳ мусулмон университети ўртасида ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишга оид масалани ҳам муҳокама қилиш ниятидаман.

Ислом конференцияси ташкилоти Ислом тарихи, санъати ва маданияти бўйича тадқиқот маркази (ИРСИКА) директори Ҳалит ЭРЕН:



— Мамлакатингизда ҳам дунёвий, ҳам диний билимлар чуқур ўрганилиши мени ҳайратга солди. Ўзбекистон — тарихий обидалар, маданий ёдгорликлар ва хушманзара масканларга бой мамлакат экан. Юртингизда маданиятнинг барча соҳалари изчил ривожланаётганига гувоҳ бўлдик.

Ташкилотимизнинг Ислом тарихи, санъати ва маданияти бўйича тадқиқот маркази журналларида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива сингари қадимий шаҳарларингизнинг меъморий ёдгорликлари ва тарихий обидалари ҳақида кўплаб мақолалар чоп этилган.

Ирода УМАРОВА,
Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбирлари

ЎзХДП фаоллари

Устоз, ташкилотчи, ташаббускор

Марям Алимовани Урганч шаҳрида кўпчилик яхши біледи. У киши нафақат шаҳардаги 18- мактаб директори, тажрибали ўқитувчи, халқ таълими аълочиси, балки Ўзбекистон ХДП фаоли, халқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгаши депутати сифатида ҳам танилган. Ташаббускор, ташкилотчи, ён-атрофдагиларга ғамхўрлиги сабабли жамоатчиликнинг ҳурматини қозонган. Унинг ташаббуси билан ҳомийлар ёрдамида мактабда таҳсил олаётган кам таъминланган оилалар фарзандларини дарсликлар билан таъминлаш анъанага айланди.

— Керак бўлса ҳар куни ўз ишхонамда сайловчиларимни қабул қиламан, — дейди М.Алимова. — Бир ойда бир кун ХДП шаҳар кенгаши Жамоатчилик қабулхонасида бўлиб, мурожаат қилувчиларни эшитаман. Ҳар бир арз, шикоятга эътибор билан қараб, имкон қадар қўйилган масалани ҳал этиш, фуқаролар, электоратимиз вакилларига амалий ёрдам беришга ҳаракат қиламан. Ёрдам сўраб келган кишини ноумид қайтариш партиямизнинг шаъни, обрўсига тўғри келмайди. Шунинг учун партия ташкилотлари, депутат ҳамкасбларим, ҳомийлар кўмагида бундай хайрли ишларнинг кўпини амалга ошириб келаяпмиз...

Тарғибот-ташвиқот олиб боришда ҳам опанинг ўрни алоҳида сезилиб туради. Бу борада депутатлик гуруҳи, ХДП шаҳар, вилоят кенгаши, ижтимоий шерик ташкилотларнинг ҳамкорлиги изчил йўлга қўйилган.

Суратда: *М.Алимова (ўнгда) Урганч шаҳар партия кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Санобар Ботирова билан навбатдаги тадбир хусусида суҳбатлашмоқда.*

Шавкат АКРАМОВ олган сурат.

ЎзХДП — Хотин-қизларнинг мустаҳкам таянчи

«ХАЙРЛИ ИШЛАРИМИЗ КЎП

АММО, БЕРИЛГАН ИМКОНИЯТ ОЛДИДА УЛАР ЕТАРЛИ ЭМАС», — ДЕЯ ТАЪКИДЛАНДИ ЎзХДП ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА

Партиянинг аёлларга оид сиёсатини амалга ошириш ва уларни сиёсий куч сафида жипслаштириш мақсадида Ўзбекистон Халқ демократик партияси қошида «Фаол аёллар» қаноти ташкил этилган эди. Қанотнинг ўтган даврдаги фаолияти жойларда кенг муҳокама этилмоқда.

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши «Фаол аёллар» қаноти конференциясида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси бош шифокори Элмира Боситхонова қанотнинг ўтган даврда олиб борган ишлари, олдинда турган асосий вазифалар хусусида батафсил тўхталди.

— Тошкент шаҳридаги жами 30103 нафар ХДП аъзосининг ярмидан кўпини аёллар ташкил этади, — деди у. — Шаҳар Кенгашига партиямиздан сайланган депутатларнинг 5 нафари аёллар. Улар орасидан икки нафари Олий Мажлис Сенати аъзосидир. Шуларнинг ўзи ҳам сафимиздаги аёлларнинг фаоллиги, салоҳиятидан далолат беради.

— Тўғри, фаол аёллар анчагина ишларни амалга оширди, — деди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раиси, профессор Гулчеҳра Охунова. — Аммо берилган имкониятни ҳисобга оладиган бўлсак, бу жуда кам. Сафимизда олималар, шифокорлар, ўқитувчилар, маҳалла маслаҳатчилари — салоҳиятли, билимли, катта ҳаётий тажрибага эга аёллар кўп. Лекин фаол аёллар жамоаси бўлиб шаклланишга, ўз имкониятларимиздан кенгроқ фойдаланишга ҳали улгурмадик.

— Фаол аёл деганда кимни тушуниш керак? — деди Собир Раҳимов туманидаги 28-мактаб директори Дилдора Орипова. — Менимча, у қаерда бўлмасин, ўз меҳнати билан ҳурмат қозонган, ҳақ-ҳуқуқларини англаган, улардан вақти келганда фойдалана оладиган, мамлакатимиз мустақиллиги моҳиятини теран англайдиган, унинг жонкуяри бўлган аёлдир. Биз ана шундай аёллар, хотин-қизлар сафини кенгайтириб боришимиз лозим, деб ўйлайман. Бундан оила ҳам, жамият, давлат ҳам манфаатдор бўлади.

Тошкент Ирригация ва мелиорация институти доценти Маргарита Аҳмедбекова, Шифокорлар малакасини ошириш институти ассистенти Умида Тўхтаева, ЎзХДП Бектемир туман кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси Лола Ярашева ва бошқаларнинг фикрларини ҳам иштирокчилар диққат билан тингладилар. Мунозара, савол-жавоблар орқали қанотнинг кейинги фаолият йўналишлари белгилаб олинди.

Конференцияда Чилонзор туман партия кенгаши раиси Раъно Маматқулова ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси этиб сайланди.

Беҳзод ШУКУРОВ.

Суратда: конференция иштирокчилари.

Козим ЎЛМАСОВ олган сурат.

ЎзХДП вилоят кенгашларида

ҲАМКОРЛИК

ИККИ ТОМОНГА ҲАМ ФОЙДА КЕЛТИРМОҚДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро вилоят Кенгаши нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамламоқда. Хусусан, партия кенгашининг фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Бухоро филиали билан алоқалари ривожланиб, икки томон учун ҳам фойдали бўлган кўплаб тадбирлар ўтказилаяпти. Бу эса фаолиятда яхши самара бермоқда.

Яқинда филиал ташаббуси билан вилоят партия кенгашида ташкил этилган давра суҳбати иштирокчиларнинг қизғин баҳс-мунозаралари асосида ўтди. Филиал раҳбари Шуҳрат Бафоев тўпланганларга институтнинг мақсад ва вазифалари, ундаги лойиҳалар томонидан ўрганилаётган ижтимоий-сиёсий масалалар, сўровларнинг сиёсий партиялар фаолиятини ташкил этишдаги ўрни, Президентимиз ташаббуси билан киритилиб, қабул қилинган Конституциявий қонун моҳияти ҳақида батафсил фикр билдирди.

Давра суҳбатида иштирок этган Вобкент, Пешку, Когон, Шофиркон туман партия кенгашлари раислари Толиб Авезов, Эркин Холов, Шуҳрат Ёдгоров, Баҳром Неъматовлар фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг ресурслари, партия кенгашлари, фаолларнинг ташкилотчилиги, имкониятларидан фойдаланиб, жойларда турли тадбирларни ташкил этиш, аҳоли орасида ХДП Дастури ва ундан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида кўпроқ маълумот бериш хусусида ўз фикрларини билдиришди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ БЕРТА ДАВИДОВА

Мамлакатимиз мусиқа санъати оғир жудоликка учради. Бешафқат ўлим ўзбек мумтоз қўшиқчилик санъатининг машҳур намояндаси, бетакрор овоз соҳиби, Ўзбекистон халқ артисти Берта Давидовани орамиздан олиб кетди.

Берта Давидова 1922 йили Марғилон шаҳрида таваллуд топди. 1935-1938 йилларда Тошкент тиббиёт техникумида таҳсил олди. Иккинчи жаҳон уруши даврида Тошкентдаги ҳарбий госпиталда тиббиёт ҳамшираси бўлиб ишлади, шу билан бирга, бадиий ҳаваскорлик жамоаси аъзоси сифатида ярадор жангчилар учун ташкил этилган концертларда фаол қатнашди.

Унинг сермазмун ижодий йўли 1943 йилда Ўзбекистон Давлат радиоқўмитасининг хор жамоаси хонандаси сифатида бошланди. Берта Давидованинг кейинги қирқ йилдан зиёд меҳнат ва ижодий фаолияти мана шу жамоада, хусусан мақомчилар ансамбли билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечди.

Бу даврда у ўзининг юксак ижрочилик маҳорати билан мухлислар эътиборини қозониб, мамлакатимизнинг таниқли санъаткорлари сафидан муносиб ўрин эгаллади. Айниқса, хонанда ижросидаги ўлмас миллий меросимиз бўлмиш «Шашмақом» ашула йўллари, «Муножот», «Фиғон», «Сарахбори оромижон», «Самарқанд ушшоғи», «Дугоҳ», «Баёт-1» сингари ўнлаб мумтоз ашулалар мусиқий хазинамизнинг нодир ва бебаҳо бойлигига айланди.

Берта Давидова умр бўйи санъатимизнинг нафақат моҳир ижрочиси, балки толмас тарғиботчиси сифатида ҳам фидойилик билан фаолият кўрсатди. У юртимиздаги кўплаб оммавий-маданий тадбирларда, катта концерт дастурларида иштирок этиш билан бирга, ҳамиша олис шаҳар ва қишлоқларда, оддий одамлар, меҳнаткашлар орасида ўзининг ёрқин санъатини намоён этиб, халқ ҳурматига сазовор бўлди.

Ўнлаб истеъдодли ёшларга маҳорат сирларини ўргатган устоз санъаткор узоқ йиллар республика радиоси ҳузуридаги мақомчилар ансамбли ҳамда Ўзбекистон давлат консерваторияси анъанавий ижрочилик кафедрасининг мураббийи сифатида самарали фаолият кўрсатиб келди.

Берта Давидованинг маданиятимиз ва санъатимиз ривожига қўшган ҳиссаси, ижтимоий-маданий ҳаётимиздаги катта хизматлари муносиб баҳоланиб, у «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвони ва «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланган эди.

Ажойиб санъаткор, меҳрибон устоз, камтарин инсон Берта Давидованинг ёрқин хотираси қалбимизда доимо сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Э.ХАЛИЛОВ, Ш.МИРЗИЁЕВ, Х.СУЛТОНОВ, Р.ҚОСИМОВ, Р.ҚУРБОНОВ, М.ЙЎЛЧИЕВА, Ў.САИДЖОНОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 14 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:**

1 Австралия доллари	1086,76
1 Англия фунт стерлинги	2578,80
1 Дания кронаси	235,01
1 БАА дирхами	345,81
1 АҚШ доллари	1270,03
1 Миср фунти	225,40
1 Исландия кронаси	19,90
1 Канада доллари	1204,39
1 Хитой юани	167,84
1 Малайзия ринггити	366,49
1 Польша злотийси	463,21
1 СДР	1948,58
1 Туркия лираси	996,49
1 Швейцария франки	1064,93
1 ЕВРО	1748,70
10 Жанубий Корея вони	13,74
10 Япония иенаси	107,11
1 Россия рубли	49,88
1 Украина гривнаси	251,49

** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*



ЯНА БИР НОМЗОДДАН
МАҲРУМ БЎЛИШДИ

Республикачилар партияси АҚШ президентлиги лавозими учун ўзининг яна бир номзодидан маҳрум бўлди. Висконсин штатининг собиқ губернатори Томми Томпсон АҚШ президентлиги лавозимига курашдан бош тортганлигини расмий эълон қилди. 65 ёшли Томпсон ўз қарори ҳақида гапирар экан, ана шундай тўхтамга келганидан асло хафа эмаслигини билдирган.

АСИРЛИКДАН ҚУТҚАРИЛГАН
ХОРИЖЛИКНИНГ ЎЛИМИ



Нигерияда маҳаллий радикал гуруҳ томонидан гаровда ушлаб турилган хорижлик вафот этган. Мамлакат маъмурларининг сўзларига кўра, у асирликдан қутқарилгандан сўнг оламдан кўз юмган. Ҳозирча унинг шахсига, қайси мамлакат фуқароси эканлигига оид маълумотлар ошкор этилмаяпти. Дастлабки маълумотларга қараганда, унинг ўлимига тутқинликда орттирган касаллик сабаб бўлган. Жорий йилда жангарилар бир неча бор нефтни қазиб олиш ва қайта ишлаш корхоналарида ишлаётган хорижий давлатлар фуқароларини гаровга олишган. Одатда гаровга олинганлар учун катта пул талаб қилишади. Озод этиш ҳақидаги музокаралар якунлангунига қадар улар Нигер дарёсининг етиб бориш мушкул бўлган палаткали лагерларида сақлангани боис безгак ва ичак касалликларига дучор бўлишади. Ушбу мамлакатда қўлга олинган кишилар орасида Россиянинг олти фуқароси, шулардан бештаси «Русал» компаниясида ишлаган, олтинчиси эса ходимлардан бирининг қариндоши бўлган. Шу йил августида улар 65 кунлик тутқинликдан сўнг қўйиб юборилганди.

КУБА РАҲБАРИ
— 81 ЁШДА

Фидель Кастро 81 ёшга тўлди. Шундан салкам 47 йили мобайнида ҳокимиятни бошқариб келди. Ўтган йил июлида эса у оғир хасталикни бошдан кечиргач, вақтинча ўз ваколатини топширган эди. Кўпгина кузатувчилар Кастронинг ҳокимиятга қайтишини шубҳа остига қўйишмоқда.

КОМПЬЮТЕР ТИЗИМИДАГИ
НОСОЗЛИК БОИС

Лос-Анжелес халқаро аэропорти божхона ва чегара назорати хизматининг ахборот-компьютер тизимида келиб чиққан носозлик туфайли 20 мингдан ортиқ йўловчи бир неча соат мобайнида аэропорт терминалларида назоратдан ўтишни кутиб туришди. Уларнинг бир неча мингги ҳаттоки ҳаво кемаларидан ташқарига чиқарилмаган. Божхонанинг йўловчилар ҳақидаги тўлиқ маълумотларни оладиган компьютер тизими шанба куни пешинда ишдан чиққан. Орадан ярим соат ўтгач, барча терминалларда бўш жой қолмаган. Божхона ва чегара хизмати матбуот котиби Майк Флеммингнинг айтишича, носозликка марказий коммутатор тизимидаги носозлик сабаб бўлган.

МУЛОҚОТ
ТАЪҚИҚЛАНДИ

Афғонистон маъмурлари Ғазна вилоятида турган оммавий ахборот воситалари вакилларига жанубий кореялик гаровга олинганларни озод этиш бўйича олиб борилаётган музокаралар жараёнини ёритишларини таъқиқлади.

Афғон маъмурлари ва «Толибон» ҳаракати жангарилари ўртасидаги музокаралар Қизил Хочнинг Ғазна ваколатхонаси яқинида ўтказилмоқда. Бундай чора толибларнинг ўз мақсадлари йўлида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиб қолмаслиги мақсадида кўрилди. Вилоят маъмурлари икки кун ичида музокараларнинг муваффақиятли якунланишига умид боғлашаяпти.

ХОРИЖЛИКЛАРГА ҚАРАГАНДА
ОНА ТИЛЛАРИНИ ЁМОН БИЛИШАР ЭКАН

Инглиз талабалари Буюк Британияга ўзга мамлакатлардан ўқишга келган тенгқурларига қараганда ўз она тилларини ёмон билишади. «The Daily Mail» газетасининг ёзишича, Лондондаги Империя коллежи ўқитувчиси Бернард Лэмб ана шундай хулосага келган. У билим даргоҳидаги юқори босқич талабаларининг ёзма ишларини таҳлил этиб, Бруней ва Сингапурдан келган ёшлар инглиз тилини яхшироқ билишини аниқлаган. Ҳолбуки Лондондаги Империя коллежи жаҳоннинг энг нуфузли ўқув юртлари рўйхатига киради. Мактаблардаги битирув имтиҳонларида инглиз тилидан юқори баллни олган инглиз ёшларигина бу ерга ўқишга киришлари мумкин. Тадқиқотлар муаллифининг фикрича, умр бўйи Буюк Британияда яшаётган талабаларгина эмас, балки шу мамлакатда вояга етган хорижликлар ҳам инглиз тилини билишда оқсамоқда.

АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ «АЛОҚАБАНК»

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази томонидан 2007 йил 10 августда Р 0021–14 рақам билан рўйхатга олинган янги муомалага чиқарилаётган акцияларининг 14-эмиссия рисоласини эълон қилади.

ЧИҚАРИЛАЁТГАН АКЦИЯЛАРНИНГ МУОМАЛАГА КИРИТИЛИШ ШАРТЛАРИ

Чиқарилган қимматли қоғозлар тури ва шакли: нақдсиз эгаси ёзилган оддий ва нақдсиз эгаси ёзилган имтиёзли акция;

чиқарилаётган акциялар сони: 60 000 000 дона, шундан:
- **эгаси ёзилган оддий акция** — 57 600 000 дона;
- **эгаси ёзилган имтиёзли акция** — 2 400 000 дона.

бир дона акциянинг номинал қиймати: 100 сўм;

чиқаришнинг умумий ҳамжи: 6 000 000 000 (Олти миллиард) сўм.

ЧИҚАРИЛАДИГАН ҲАР БИР АКЦИЯ БЕРАДИГАН ҲУҚУҚЛАР:

банкнинг оддий акциялари эгалари бўлмиш акциядорлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:
- ◆ банк акциядорлари реестрига киритиш;
- ◆ банк акциядорлари реестридан ўзига тегишли кўчирма олиш;
- ◆ банк акциядорлари умумий йиғилиши томонидан молия йили натижалари бўйича белгиланадиган миқдорда дивиденд олиш;
- ◆ олинган дивидендлардан эркин равишда фойдаланиш;
- ◆ банкнинг бошқарув органларидаги масалалар юзасидан зарур ахборотни олиш;
- ◆ бир дона оддий акция — бир овоздан иборат эканлигини ҳисобга олган ҳолда барча кўрилаётган масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан банк акциядорлари умумий йиғилишида иштирок этиш;
- ◆ банк тугатилган тақдирда белгиланган тартибда акциядорга тегишли банк акциялари суммасига мутаносиб ҳолда банк мулкининг бир қисмини олиш;
- ◆ банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар ва уларнинг тарифи тўғрисида ахборот олиш;
- ◆ банкнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида унинг Уставига мувофиқ тўлиқ ва ишончли ахборот олиш;
- ◆ қимматли қоғозлар бозорини бошқариш ва мувофиқлаштириш бўйича ваколатли давлат органи, шунингдек, судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ◆ қимматли қоғозларни харид қилиш чоғида эҳтимоли бор зарарлар ва (ёки) фойданинг бир қисмини йўқотиши билан боғлиқ таваккалчиликни суғурталаш.

Банкнинг имтиёзли акциялари эгалари бўлмиш акциядорларга дивидендларни, шунингдек, акциядорлик жамияти тугатилганда акцияларга қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқини беради;

акцияларни жойлаштириш усули: очиқ обуна орқали.

АКЦИЯЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказидан рўйхатдан ўтгандан сўнг бир йил муддатда жойлаштирилади. Банк томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ барча манфаатдор шахсларни эмиссия рисоласи билан танишиш тартиби кўрсатилган ҳолда эмиссия рисоласи матбуотда эълон қилингандан сўнг икки ҳафтадан кам бўлмаган муддатдан кейин жойлаштирилади. Шунингдек, икки ҳафталик муддат матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб ҳисобланади.

Банк уставининг 6, 8-бандига асосан, банкнинг мавжуд акциядорлари ўз улушларига мутаносиб равишда чиқарилаётган акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга, имтиёзнинг амал қилиш муддати акцияларни жойлаштириш бошланадиган кундан 30 (ўттиз) кун ичида амал қилади.

Акциялар чиқарилувини жойлаштириш санаси: акциялар чиқарилишини давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисида эълон қилингандан сўнг ўн бешинчи кун. Агар жойлаштириш санаси банк ҳисоб операциялари учун дам олиш кунига тўғри келса, жойлаштириш санаси ушбу кунлардан кейин биринчи иш кунига ўтказилади.

Банк томонидан акциялар жойлаштирилиши амалдаги қонунчиликка мувофиқ рўйхатдан ўтказилган олди-сотди шартномалари асосида амалга оширилади.

Акцияларни жойлаштиришнинг тахминий баҳоси: 100 сўм.

Акциялар бўйича тўловлар тартиби ва шартлари, шу жумладан, ҳисоб-китоблар шакли:
- ● юридик шахслар учун сотиб олинган акциялар қийматини банк акцияларининг олди-сотди шартномаси тузилган санадан бошлаб, шартномада кўрсатилган муддат мобайнида тўлиқ тўлаш кўзда тутилади (тўлов шакли нақдсиз);
- ● жисмоний шахслар учун сотиб олинаётган акция қийматининг 100 фоизлик бир йўла тўлови (тўлов шакли нақд ва нақдсиз).

Акциялар чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилган орган ва қарор қабул қилинган сана: АТ «Алоқабанк» акциядорлари Умумий йиғилишининг 2007 йил 25 майдаги 8-сонли қарори.

Банк уставида акциялар эмиссияси бўйича белгиланган турли чеклашлар ҳамда жойлаштирилаётган акцияларни сотиб олиши мумкин бўлганларга нисбатан чеклашлар: банкнинг Устав капиталида бир акциядорнинг улуши қонунчилик билан белгиланган меъёридан ортиб кетмаслиги лозим.

Инвесторнинг сотиб олинган акциялар бўйича олган даромадини солиққа тортиш: акциядорларга акциялар учун ҳисобланган даромадлар амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда солиққа тортилади.

Қимматли қоғозларга эгалик ҳуқуқларини ҳисобга олиш ва сақлаш, шу жумладан, банкнинг кимматли қоғозлар эгалари реестрини олиб бориш Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази томонидан 2007 йил 8 январь 1141 ва 1142-рақамли лицензия берилган ихтисосланган депозитарий ва реестр юритувчи «DEPO-INVEST-TRAST» МЧЖ томонидан амалга оширилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, А. Ҳаджаев кўчаси 1-уй. Телефон: 138-69-04.

Қимматли қоғозлар эмиссия рисоласининг асли ва нусхалари билан танишиш тартиби ва жойи: Тошкент шаҳри, Толстой кўчаси 1-уй. АТ «Алоқабанк» Амалиёт бошқармаси.

Қимматли қоғозлар сотиладиган асосий жойлар: банк акцияларини АТ «Алоқабанк»нинг бош офиси, барча филиаллари ва Амалиёт бошқармаси томонидан жойлаштирилади.

Акциядорлик-тижорат «АЛОҚАБАНК»нинг молиявий-хўжалик фаолиятига тегишли муҳим фактлар ҳақида

ХАБАРНОМА

15-хабар

Устав фонди умумий қийматининг 50 фоиз миқдоридан ортиғига қимматли қоғозларни чиқариш санаси: 2007 йил 10 август.

Қимматли қоғозлар эмиссиясини жойлаштириш муддати: 2008 йил 10 августга қадар.

Банк ва мижоз

ЁШ ОИЛА:
ИМТИЁЗ, ҚУЛАЙЛИК, ИМКОНИЯТ

BANK XALQ BANKI

Халқ банки мамлакатимиз банк тизимини ислоҳ қилиш, хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг, айниқса, кичик бизнес ҳамда тадбиркорлик субъектларининг банкка бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, банкнинг капиталлашуви ва барқарорлигини таъминлаш борасида устувор вазифаларнинг ижросини амалга ошириб келмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида олиб борилган мақсадли тадбирлар натижасида банк капитали 23,0 млрд. сўмга, активлари эса 280,0 млрд. сўмга етказилишига эришилди.

Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилиш борасида олиб борилган тадбирлар ва омонатчиларнинг биринчи талаби бўйича депозитлардаги маблағлар берилиши таъминланганлиги натижасида йил бошига нисбатан банк депозитларига 25,0 млрд. сўм қўшимча маблағлар жалб қилинди. Жалб қилинган ва банкнинг ўз маблағларидан самарали фойдаланиш мақсадида жисмоний ва юридик шахсларни кредитлаш жараёни жадаллаштирилди. Шу йилнинг ўтган даврида аҳолининг истеъмол мақсадларига, ишлаб чиқариш ва сервис хизматларини яхшилашга 41,0 млрд. сўм кредитлар ажратилиши таъминланди. Кредитлаш жараёнларида инвестицион лойиҳаларга алоҳида эътибор берилиб, ушбу соҳага 70,0 млрд. сўм йўналтирилди.

Шу билан бирга, банк филиалларида аҳоли турли қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат дастурларига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг май ойида қабул қилинган Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бўйича ёш оилаларнинг ҳаётга мустақил қадам қўйишларида ҳар томонлама моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилиб, уларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда микрокредитлар берилмоқда. Уларнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш мақсадида узоқ муддат фойдаланиладиган уй-рўзғор жиҳозларини харид қилиш учун истеъмол кредитлари ҳамда уй-жой шароитларини яхшилашга қаратилган ипотека кредитларини имтиёзли шартлар асосида ажратиб, Фармон талабларининг ижроси таъминланмоқда.

Ушбу йўналишда Халқ банки асосий эътиборни жойларда маҳаллий ҳокимликлар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва республика «Оила маркази» бўлимлари, Маънавият тарғибот маркази ҳамда «Маҳалла» жамғармаси билан ҳамкорликда ҳар бир ҳудуддаги ёш оилаларни ўрганиб чиқишга қаратди. Шу билан бирга ҳукуматимиз томонидан ёш оилаларга яратилаётган имконият ва қулайликлар тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этди. Банк филиаллари томонидан жорий йил давомида 15,0 млрд. сўмдан ортиқ микрокредит, ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилди, бунда асосий эътибор ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлашга қаратилди. 1500 дан ортиқ ёш оилаларга тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйиш ёки уни янада жадаллаштириш орқали янги иш ўринларини очишга 2,0 млрд. сўм микрокредитлар, 950 дан ортиқ ёшларга уй жиҳозлари ва узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар учун 1.5 млрд. сўмдан ортиқ истеъмол кредитлари ҳамда 350 га яқин ёш оилаларга 4,4 млрд. сўмдан ортиқ ипотека кредитлари ажратилди.

Имтиёзли кредитлар ёш оилаларнинг турмуш фаровонлигини яхшилашга, даромад манбаларини оширишга замин бўлмоқда.

Бу ҳақда банк мижозлари бўлмиш ёш оила аъзолари ўзларининг ижобий фикрларини билдиришмоқда. Хусусан, пойтахтимизнинг Сергели туманида истиқомат қилувчи ёш оила соҳиби Шерзод Рўзибоев мустақил ҳаётга қадам қўйгандан кейин Халқ банкининг имтиёзли ипотека кредити эвазига шахсий уйга эга бўлганлигини завқланиб гапириб, олган кредити бўйича тўловлар ойлик маошидан ўтказилиши ҳисобига солиқ имтиёзларига ҳам эга бўлганлигини таъкидлаб ўтди.

Паркент туманидаги «Истиқбол» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Алишер Каримов ҳамда пойтахт вилоятининг Дўстобод шаҳридаги Ф.Хўжаев номли маҳалласидан Хайрулла Абдуллаевлар ҳам банкнинг имтиёзли истеъмол кредитлари ҳисобига уй жиҳозларини харид қилганликларини ва ёш оилаларга Президентимиз томонидан кўрсатилаётган бундай ғамхўрликдан ғоят миннатдор эканликларини айтишди. Халқ банки томонидан берилган кредитлар ҳеч қандай тўсиқларсиз, оворагарчиликларсиз расмийлаштирилганлигини тасдиқламоқдалар.

Халқ банки фаолиятидан бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин ва бунинг исботи сифатида ҳақиқатан ҳам банк филиалларида Фармон ижроси борасида катта ишлар амалга оширилаётганини ва мижозларнинг банкка бўлган ишончи кундан-кунга ошиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Банкнинг бу борадаги келажак режалари янада юксак. Йил охиригача ёш оилаларга яна 20 млрд. сўмга яқин кредит ажратиб, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни ният қилишган.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Биз билган ва билмаган тарих

ТАРИҚАТНИНГ ЕТУК ПЕШВОСИ

ЮСУФ ҲАМАДОНИЙНИНГ ВАФОТИ ВА ҚАБРИ ҚАЕРДА ЖОЙЛАШГАНЛИГИ ХУСУСИДА

Республикамиз Президенти Ислом Каримов «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган «Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг юксак эътирофи» мавзуидаги интервьюсида таъкидлаганларидек, **«Ўз-ўзидан равшанки, Тошкент шаҳрига Ислом маданияти пойтахти деган юксак ном берилиши бизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди. Айниқса, неча юз йиллар мобайнида юртимиз ҳудудида яратилган буюк маданий ва маънавий мероснинг туб моҳиятини, унинг кўпчиликка маълум бўлмаган қирраларини нафақат мусулмон олами, балки бутун жаҳон аҳлига кенг тарғиб қилиш, шу тариқа ислом дини тинчлик, маърифат, юксак ахлоқ-одоб ифодачиси эканини яна бир бор намоён этиш борасида ҳали кўп иш қилишимиз зарурлигини биз яхши англаймиз».**

Дарҳақиқат, Таълим, фан ва маданият бўйича нуфузли ислом ташкилоти бўлмиш АЙСЕСКО томонидан Тошкент шаҳрига 2007 йилда «Ислом маданияти пойтахти» деган ном берилиши юртимизнинг маънавий-маърифий ҳаётида улкан воқеа бўлиш билан биргаликда, халқимизнинг диний қадриятларни асраб-авайлаш, улуғ аждодларимизнинг меросини ардоқлаш соҳасида амалга ошираётган эзгу ишларига берилган юксак баҳо ҳамдир.

Мустақиллик йилларида тарихий қадриятларни тиклаш, нафақат юртимиз, балки жаҳон тарихида ёрқин из қолдирган буюк боболарнинг муборак исмларини озод элимизнинг чинакам миллий маънода тикланган тарихи саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битиш, хотираларини улуғлаш, неча юз йиллар оша маънавият, маърифат, маданиятнинг ўлмас ёғдуларини сочиб, инсоният йўлини ёритиб турган асарларини ўрганиш борасида кўпгина хайрли тадбирлар амалга оширилди ва оширилмоқда.

Зеро, Оллоҳ ардоқлаган бу заминда тарихнинг турли даврларида пойтахт бўлмаган шаҳар, дунёвий ва диний илм соҳасида юлдуздек нур таратган олиму уламоларни, шоҳу шоирларни бермаган ҳудудни топиш қийин.

Бу юртнинг сехри, жозибаси шундаки, ўзининг ҳам илмда, ҳам дин, ҳам маданият ва санъатда ном таратган фарзандларини дунё қучоғига сочиш билан бирга, улуғ инсонларни ўз бағрига ҳам оҳанрабодек тортиб келган, уларнинг азиз Ватанига айланган.

Ана шундай улуғ зотлардан бири тасаввуф илмининг устунларидан бўлмиш Хожа Юсуф Ҳамадоний ҳазратларидир...

✧✧✧

Президентимизнинг ташаббуслари билан 1993 йилда эл орасида «Баҳоуддин Балогардон» (яъни балою офатларнинг олдини олувчи) номи билан машҳур бўлган Хожа Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллик, орадан ўн йил ўтгач эса, яъни 2003 йилда ул зотнинг устозлари, диёримизда тасаввуф илмининг равнақига беқиёс ҳисса қўшган донишманд, минглаб шогирдларнинг пири комили Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳазратлари туғилганининг 900 йиллиги маросимлари кенг нишонланди. Шу сингари улуғ анжуманлар муносабати билан мамлакатимиз дунёдаги ислом динига эътиқод қилувчи инсонларнинг табаррук зиёратгоҳига айланди.

Ўша қутлуғ кунларда бу муҳтарам зотларнинг устозлари Юсуф Ҳамадоний ҳазратларининг ҳам муборак номлари бот-бот тилга олинди. Сабаби шундаки, Хожагон, кейинчалик Нақшбандия деб аталган тариқатнинг асосчиси, Хожаи Жаҳон номи билан машҳур бўлган Абдулхолиқ Ғиждувоний Шайх Юсуф Ҳамадонийнинг тўртинчи шогирди, Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари эса Абдулхолиқ Ғиждувоний тариқатининг энг забардаст давомчиси эди.

Хожагон тариқатининг ўн битта асосий қоидаси бўлиб, шундан тўрттасини, яъни «Хуш дар дам», «Назар бар қадам», «Сафар дар Ватан», «Хилват дар анжуман» қоидалари аслида Юсуф Ҳамадоний ҳазратлари томонидан ишлаб чиқилган бўлса, «Ёдкард», «Бозгашт», «Нигоҳдошт», «Ёддошт» каби қоидалар Абдулхолиқ Ғиждувоний томонидан қўшилган. Нақшбанд ҳазратлари эса пирлари йўлини давом эттириб, улар яратган тасаввуф йўлининг таркибига «Вуқуфи ададий», «Вуқуфи замоний», «Вуқуфи қалбий» қоидаларини киритиб, мукаммал ҳолатга келтирдилар.

Бу мақоладан мақсадимиз ушбу қоидаларнинг мазмун-моҳияти, инсоннинг имон-эътиқодини мустаҳкамлаш, тўғри йўлга бошлаштаги аҳамияти ҳақида сўз юритиш эмас. Катта диний ҳамда тасаввуфий билим, мулоҳаза ва мушоҳада талаб этадиган бундай машаққатли ва шарафли вазифани соҳанинг мутахассисларига ҳавола қиламиз.

Гап шундаки, Нақшбандия тариқати ҳақида гап кетганда, юқорида таъкидлаганимиздек, сўзнинг аввали Юсуф Ҳамадонийдан бошланади. Бироқ бу у кишининг қаерда таваллуд топгани, қандай илмий мерос қолдиргани, қаерда вафот этгани ҳақида халқимизга чуқурроқ маълумот берадиган тадқиқот яратилмагани ёки хорижда чоп этилган ишонарли рисолаларнинг чоп этилмагани ажабланарли ҳолдир.

Тўғри, 2003 йилда «Фан» нашриёти томонидан профессор Ориф Усмоннинг «Ғиждувоний таълимоти» номли ихчамгина рисоласи нашр қилинган. Бу китобчада Юсуф Ҳамадоний ҳазратлари ҳақида ҳам бирмунча маълумотлар қаламга олинган бўлиб, жумладан *«Бул улкан мутасаввиф донишманд зот аслан Эроннинг Ҳамадон шаҳри ёнидаги Бузонжирд қишлоғида 1048 йилда дунёга келган. Ўн саккиз ёшида Бағдодга бориб фиқҳ илмини ўрганган. Исфаҳон, Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Ҳирот шаҳарларида бўлган. Умрининг ярмини Аъроб, Хуросон юртларида ўтказгандан сўнг Туркистонни ёқтириб қолиб, Бухорога келган ва шу ерда хонақоҳ, масжид очиб, шогирдларни тарбиялашга киришган, тасаввуфий таълимот ишларини бошлаган. Унинг Баррақий, Андоқий, Яссавий ва Ғиждувоний каби энг йирик тўрт нафар мумтоз шогирдлари бўлган. Бошқа шогирдлари ҳам кўп бўлиб, саноғи ҳеч кимга маълум эмас»* дейилади.

Яна шу китобчада *«Хожаи Жаҳон — Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний рисоласида Шайх Юсуф Ҳамадонийнинг туғилган жойи Эроннинг Ҳамадон шаҳри ёнидаги «Ғанимиё» деган маҳалла экани таъкидланади»*, деб ёзилган.

Муҳтарам олимимизнинг таъкидлашларича, *«Ғиждувоний ёзувларида Юсуф Ҳамадоний Самарқандда вафот этиб, ўша ерда дафн этилганликлари ҳақида ишоратан айтилади. Ул мўътабар зотнинг вафотлари ҳақида бошқа маълумотлар ҳам бор. Сўнгги маълумотларга қараганда, Шайх Юсуф Ҳамадоний 1140 йилда Ҳиротга боради. У ердан қайтиб келаётиб, 90 дан ошиб, кексайиб қолган Юсуф Ҳамадоний баланд ва совуқ Шибор довонидан ошиб ўтаётиб, шамоллаб қолади. Натижада Бомиён (Афғонистон) шаҳрига етиб келиб, қаттиқ бетоб бўлиб қолади ва ўша ерда оламдан ўтади. Шайхнинг васиятларига кўра, у Марвга дафн этилади. Ҳозир ҳам Шайхуш-шуюх Юсуф Ҳамадонийнинг қабрлари Марв шаҳрида сақланади. Ул мўътабар зотнинг шарофатлари билан (у киши дафн этилгандан сўнг) Марв «Хуросон Каъбаси» деб атала бошлаган экан.*

Ҳар ҳолда бузруквор зотларнинг дафн этилган жойлари битта эмас, бир нечта жойда бўлади. Шунинг учун ҳазрати Ғиждувоний ёзиб қолдирган маълумот билан бирга сўнгги маълумотларни ҳам келтириб ўтдик. Кейинчалик олимларимизнинг изланишлари бу баҳсли масалага ҳам аниқлик киритса керак, деб ўйлаймиз».

Аммо, асарда ушбу сўнгги маълумотларнинг қайси манбадан олингани айтилмайди. Муаммо очиқлигича қолдирилади.

Шу йил газеталардан бирида эълон қилинган журналист Сотим Авазнинг «Хожа Юсуф Ҳамадоний» мақоласида эса ушбу масалага сал чуқурроқ ёндашилади. Муаллиф Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарларидаги Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг вафоти муносабати билан айтилган *«...Марв азиматига мурожаат қилганда, йўлда беш юз ўттиз бешда фавт бўлди ва андаки фавт бўлди дафн қилдилар ва неча вақтдан сўнгра Марвга нақл қилдилар ва мозори Марвдадир,»* деган фикрни келтиради.

Мақола муаллифи айни пайтда Юсуф Ҳамадонийнинг «Рутбат ул ҳаёт» («Ҳаёт мезони») асари ҳақида сўз боши ёзган таржимонлар Сайфиддин Сайфуллоҳ ҳамда Нодирхон Ҳасанларнинг ҳазратнинг 535 ҳижрий (1141 милодий) йилда Афғонистоннинг Бомиён шаҳрида вафот этганлигини ва дафн қилинганлигини, васиятига кўра жасади муридлар томонидан Марвга кўчириб кетилганлигини ва дафн қилинганлигини айтганларини таъкидлаб, *«Албатта, таржимон олимлар ишончли бир далилга эга бўлсалар керакки, ҳатто энг мўътабар манбага ҳам аниқлик киритмоқчи бўлишган,»* деган хулосага келади, бироқ, *«мўътабар манба»* деганда нимани назарда тутаётганини баён этмайди.

Шу ўринда профессор Ориф Усмоннинг ҳам, журналист Сотим Авазнинг ҳам мулоҳазасини тўғри ёки нотўғри, дейишдан йироқмиз.

Аксинча, Сотим Авазнинг ушбу масалани чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилгани, қизиқарли далилларни келтиргани мақтовга сазовордир. У Ҳазратнинг қабри Марв шаҳридаги мўътабар зиёратгоҳ экани бугунги кунда ҳақиқатга зид эканини қайд этиб, *«Туркманистоннинг ҳозирги Байрамолди шаҳри ҳудудида қадимий Марвнинг вайроналари жойлашган ва у ерда ҳақиқатан ҳам Юсуф Ҳамадонийнинг қабри бор. Унинг атрофида салобатли мақбара ёки зиёратгоҳ мажмуа эмас, одам бўйидан хийла баланд қўшксимон минора ўрнатилган. Ажабки, бундан бир неча йил олдин хоразмлик бир гуруҳ илму ижод намояндалари ташриф буюрган пайтимизда у ерда жуда кам одамни учратдик»*, дейди.

Қизиғи шундаки, Хоразм вилоятининг Шовот туманидаги уч гумбазли улкан мақбара ичида Юсуф Ҳамадоний билан бирга Ғавсул Аъзам пир ҳамда Саидий Ҳамадоний ҳазратларининг қабрлари бор. Муаллифнинг таъкидлашича, *«Нафақат Хоразм, балки яқину йироқдан, шу жумладан Туркманистоннинг катта қисмидан ҳам маҳаллий аҳоли Юсуф Ҳамадонийнинг қабри шу ерда деган ишончда. Ҳар куни камида юздан зиёд, чоршанба кунлари ва ҳайит байрамларида эса мингга яқин зиёратчилар бу масканга ташриф буюришади.»*

(Давоми келгуси сонда.)

Бахтиёр РИЗО.

Қўнғирот туманидаги 1-БЎСМда айни пайтда тўққиз юз нафардан зиёд ўғил-қиз спортнинг бокс, кураш, волейбол, белбоғли кураш сингари турлари билан шуғулланишмоқда.

«ШОГИРДЛАРДАН УМИДИМИЗ КАТТА»

— ДЕЙДИ ҚЎНҒИРОТ ТУМАНИДАГИ 1-БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР СПОРТ МАКТАБИ МУРАББИЙИ МАРАТ САТИБОЕВ

— Ҳар бир спорт турининг ўзига хос сирлари, машаққатлари бор, — дейди мазкур даргоҳнинг кураш бўлими мураббийи Марат Сатибоев. — Агар киши қайси спорт турини жон дилдан севса, уни тез ўзлаштиради. Ҳозирда мактабимиздаги кураш бўйича мавжуд ўнта гурухда юз нафардан ортиқ ўғил-қиз шуғулланишмоқда. Улар орасида иқтидорлилари талайгина. Жумладан, шогирдларимиздан Даулетмурат Утегенов (60 кг.), Қайрат Ийманғазиев (73 кг.) сингари ёшлар ўз вазн тоифаларида нафақат мактабимизнинг, балки республикамизнинг фахрига айланишган. Республика ва мамлакат биринчиликларида ғолибликни қўлга киритаётган бу ёш полвонларга ҳавас қилиб, машғулотларимизда қатнашаётган ўғил-қизлар сони тобора ортиб бораяпти. Кейинги пайтларда кураш бўлимимизда қизларнинг кўпаяётганлиги айниқса қувонарлидир. Яқинда 1990-1992 йилларда туғилган қизлар ўртасида ўтказилган Қорақалпоғистон Республикаси биринчилигида Зебо Ўринбоева, Салтанат Аширбоева, Олмахон Бегжоновалар совринли ўринларни қўлга киритишди. Шогирдларимиздан умидимиз катта.

Охирги пайтда БЎСМда спортнинг бокс турига қизиқувчи болалар сони ҳам сезиларли даражада ошди. Шу кунларда бу ердаги 32 та гурухда салкам тўрт юз нафар ёш боксчи машғулотларда қатнашмоқда.

— Руслан Чагаевнинг профессионал бокс бўйича жаҳон чемпионлигини қўлга киритганлиги ана шу спорт турига бўлган эътиборни ошириб юборди, десам хато қилмайман, — дейди болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Бекберген Қурбонов. — Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда ҳомий ташкилотларнинг ёрдами билан спорт залларимиз қайта таъмирланиб, жиҳозланди, зарур анжом ва ускуналар билан таъминланди. Тажрибали бокс мураббийлари Рустам Жумамуратов, Қувват Қурбонов, Нурулла Артиқов, Шиғалий Даушевнинг нафақат машғулотлар ўтиши, балки шогирдлари билан турли мусобақаларда муносиб иштирок этишлари учун ҳам қулайликлар яратилди. Жумладан, йил бошидан бери мактабимиз тарбияланувчиларидан Шараф Айтбоев, Юсуп ва Аҳмад Асановлар, Нурсултон Нишонбоев, Караматдин Якубовлар Урганч, Жиззах ҳамда Қўқон шаҳарларида ўсмирлар, ёшлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон биринчилиги ва халқаро турнирларда юқори ўринларни қўлга киритишди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратда: *БЎСМнинг иқтидорли ёшларидан бир гуруҳи.*

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Abdurasul JUMAQUL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Ma`murjon PARPIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teridi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

I — 749
8253 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 21.50
Topshirilgan vaqti — 23.25
2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

Жиззах вилояти, Жиззах шаҳар 32-ёрдамчи мактаб-интернати қуйидаги объект бўйича танлов савдоси ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

«Жиззах вилояти, Жиззах шаҳридаги 32-ёрдамчи мактаб-интернати биносига 9х18 м спорт зали қурилиши»
Қурилишни тугаллаш муддати: 2007 йил 28 декабргача.
Буюртмачи манзили: Жиззах вилояти, Қалия кўчаси, 1-уй. Телефон: (8-372) 224-08-12.

Қурилиш ишларини молиялаштириш маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқароликмуомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Ташкилот бўш (вакант) лавозимларга танлов эълон қилади:

Бош бухгалтер	Ҳисоб-китоб бўйича бухгалтер	Бухгалтер-иқтисодчи	Кадрлар бўлими бошлиғи	Электр механик
иш стажи — камида 10 йил; маош — 400 000 сўм.	иш стажи — камида 5 йил маош — 250 000 сўм.	иш стажи — камида 5 йил маош — 250 000 сўм.	иш стажи — камида 5 йил маош — 250 000 сўм.	иш стажи — камида 10 йил маош — 500 000 сўм.

Маълумот учун телефонлар: 187-17-11, 150-01-11, 57-29-74, 58-85-60.
Номзодлар ўзлари ҳақидаги маълумотларни қуйидаги факс орқали юборишлари керак: 150-01-11, 57-29-74.
E-mail: CHERMETGROUP@POSTBOX.UZ

Спорт

КУЧЛИЛАР

ЯРИМ ФИНАЛДА

Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги баҳсларининг ярим финалчилари маълум бўлди. Чорак финал босқичи жавоб учрашувларининг деярли барчасида қутилган натижалар қайд қилинди:

«Андижон-ЎзДЭУавто» — **«Қурувчи»** — 0:1 (дастлабки ўйин — 0:3),

«Самарқанд-Динамо» — **«Пахтакор»** — 2:2 (0:2),

«Нефтчи» — «Насаф» — 2:0 (0:1),

«Машъал» — «Шўртан» — 2:0 (3:3).

Энди 19-26 сентябрь кунлари бўлиб ўтадиган ярим финал баҳсларида «Пахтакор» — «Нефтчи», «Қурувчи» — «Машъал» жамоалари ўзаро куч синашади.

«ЧЕЛСИ» ЎЗ МАЙДОНИДА ЕНГИЛМАС

Лондоннинг «Челси» жамоаси мамлакат чемпионатида дастлабки учрашувни ўз майдонида ўтказиб, мағлубиятсиз ўйинлар бўйича рекорд ўрнатди. Ўтган дам олиш куни лондонликлар «Бирмингем» футболчиларини қабул қилишди. Дарвозаларга бешта тўп киритилди. Ҳисобни эса меҳмонлар тўпурари Микаэль Форсселл очди. «Челси» таркибидаги янги ўйинчилардан Клаудио Писарро билан Флорану Малуда ўз жамоаларини олдинга олиб чиқишди. Лекин меҳмонлар танаффусгача яна бир тўп киритиб, ҳисобни 2:2 га етказишди. «Челси»га ғалаба келтирган тўпни эса ўйиннинг иккинчи қисмида африкалик Майкл Эссьен дарвозага киритди. Шундай қилиб, «Челси» 2004 йилдан бери ўз майдонидаги учрашувларда енгилмай, кетма-кет 64 та ғалабага эришди.

ТЕНДЕР САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ

«Зармитан олтин-маъдан зонаси кони негизида кон-маъдан мажмуаси қурилиши» лойиҳаси бўйича жиҳозлар етказиш, шеф-монтаж, ишга тушириш ва созлаш ишларига

04/07-сонли тендерга ариза бериш муддати узайтирилганлигини эълон қилади.

Тендер ташкилотчисига оферталарни тақдим этишнинг охирги муддати — 2007 йил 30 август соат 17.00 гача.

Тендер ҳужжатларининг очилиши қуйидаги манзилда амалга оширилади: Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 27-уй, НКМК бошқармаси биноси.

Маълумот учун тендер ташкилотчиси — НКМК Капитал қурилиш бўлимига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Ўзбекистон Республикаси, Навоий вилояти, Навоий шаҳри — 210100, Навоий кўчаси, 27-уй.

Телефон: (998 79) 22 77211, 22 77081.
Факс: (998 79) 22 77586.

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги 254-сонли мактабгача ва бошланғич таълим мажмуаси

1-синфга ўқувчилар қабул қилади.

Мажмуада рус ва ўзбек синфлари мавжуд. Ўзбек гуруҳида 1-синфдан бошлаб рус ва инглиз тиллари ўргатилади. Дарслар эрталаб соат 8.00 дан 17.00 гача олиб борилади.

Таълим муассасасида боғча ёшидаги болалар ҳам тарбияланадилар.

Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Очил Бобожонов кўчаси, 254-мактаб-боғча.

Мўлжал: 309-академик лицейи ёки «Ёшлик» фабрикаси ёнида.

Автобуслар: 10, 88, 14, 85, 90. «Шиҳолий Олмазор» бекати.

Тел: 398-16-71.